

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Кутлов

## НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ

Элга хизмат – олий ҳиммат! Халққа елка тутган, қўлидан келган ёрдамни аямаган киши ҳамиша одамларнинг эъзоз-эътирофида бўлади. Шундай инсонлардан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фахрийлар кенгаши раиси Атхамжон Миржалилов Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тегишли фармони асосида «Шухрат» медалига лойиқ кўрилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Федерация раиси Қудратилла Рафиқов Атхамжон Миржалиловни самимий кутлаб, давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимизда касаба уюшмалари тизимини илғор халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш, соҳадаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ишчи-ходимларнинг меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган устувор ва зифа ва дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги хизматлари, шунингдек, кексалар ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшаётган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти ҳамда таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан берилган юксак мукофотни топширди.

– Бутун чуқур ҳаяжонданман, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фахрийлар кенгаши раиси Атхамжон Миржалилов. – Халқимиз олдидаги меҳнатларим юксак қадрланиб, давлат мукофотига лойиқ кўрилди. Кўрсатилган бундай эъзозу эътироф учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Шу ўринда фахр билан айтишим лозимки, бу инсон давлат раҳбари бўлганиданок Ўзбекистонда мутлақо янги ҳаёт, янги давр бошланди. Барча соҳалар шиддат билан ривожланди. Уй-жойлар бунёд этилди, метро икки ярим бараварга узайди, саноат ўсди. Халқимиз хурсанд, дуода.



Аслида ҳар бир одам улуғ ёшга етгач, босиб ўтган ҳаёт йўлига бир қур назар ташларкан. «Нима қилдим, қайси ишни уддаладим, кимгадир нафим тегдими?», дея ҳисоб-китоб қилишга тушаркан. Шундай ҳурматга сазовор бўлиб юришимга сабаб, биринчи галда, ота-онамнинг дуосини олганим бўлса, иккинчидан, авиация ишлаб чиқариш заводи, темир йўл, метродаги фаолиятимда қатъий тартиб-интизомга ўрганганимдир. Бу жараёнда менга тўғри йўл кўрсатган, қўллаб-қувватлаган, елкадош бўлган барча-барчага раҳмат айтаман. Яратгандан сўрайманки, юртимиз ҳамиша

тинч, халқимиз омон бўлсин! Юртбошимизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин!

Тадбирда Атхамжон Миржалиловнинг дўстлари, қариндошлари, ҳамкасблари сўзга чиқиб, унинг одам-оқунлиги, ўзгалар дардини ўз дарди деб билиб, ҳаммага бирдек ёрдам беришини айтиб ўтишди. Она юртнинг гуллаб-яшнаши, равнақи, тинч-осойишталиги учун хизмат қилгани, қайси лавозимда ишлагани, ўзгармагани, ўзлигини сақлаб қолгани, оилапарварлиги, дўстга садоқати каби хислатларини эътироф этишди.

Ўз мухбиримиз

Марказий Осиё:

## ТАРИХИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Мустақил юртимизнинг ҳар бир юртуғида Истиқлолнинг буюк қудрати ёрқин намоён бўла бошлади.

Президентимиз 2026 йил 1 апрелда имзолаган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорда таъкидланганидек, «Мамлакатимизнинг миллий суверенитети ва давлат мустақиллиги гоёларининг сиёсий-ҳуқуқий қамқоғувларини ўзида мужассам этган янги таърирдаги Конституциямиз ҳамда «Ўзбекистон – 2030» стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз инсон қадр-қимматини юксалтириш, кўп миллатли жамиятимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, унинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, минтақада яхши қўшничиликни ривожлантириш ҳамда Ватанимизнинг халқаро обрў-эътиборини оширишда мустақам таянч бўлиб келмоқда».

3 >>



### 1-СИНҒГА ҚАБУЛ 20 ИЮНДАН – ОНЛАЙН ТАРТИБДА БОШЛанаДИ



Батафсил билиш учун  
ishonch.uz га ўтинг:

### ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСГА ҲАҚ ТўЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ БўЛАДИ?



Батафсил билиш учун  
ishonch.uz га ўтинг:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

# 1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

## СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ

Бухоро шаҳридаги Семурғ спорт мажмуасида 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган 200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар ўртасида спортнинг шахмат, дартс ва сузши турлари бўйича вилоят мусобақаси уюштирилди.

Беллашувлар якунида ғолиб ва совриндорларга вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, вилоятимизда шахмат спорти изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда 14 та ташкилотда 69 нафар тажрибали мураббий фаолият юритиб, 2572 нафар иштирокчи мунтазам шуғулланиб келмоқда. Дартс спорти эса ишчи-хизматчилар диққатини жамлаш, аниқликни ошириш ҳамда иш жараёнида самарадорликни юксалтиришга хизмат қилмоқда. Сузши инсон саломатлигини мустаҳкамлаб, жисмоний чидамликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Достонбек Жўраев,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бутунжаҳон саломатлик кунини муносабати билан Жиззах шаҳрида касаба уюшмаларининг 18-35 ёш оралиғидаги аъзолари ўртасида спортнинг 3 тури бўйича мусобақа ташкил қилинди. Жумладан, шахмат баҳсларида 56 нафар иштирокчи қатнашди ва Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси Миржалол Йўлдошев ҳамда «Жиззах» санаторийси ҳамшираси Дилором Абдуллаевага тенг келадиганлар топилмади.

## КУЧЛИЛАР МАЙДОНДА АНИҚЛанаДИ

25 нафар иштирокчи эса 50 метрга сузши бўйича куч синашди. Мазкур мусобақада Жиззах рақамли технологиялар техникуми муаллими Баҳодир Сувонов ҳамда 32-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси Диллода Тожибоевага шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиш насиб этди. 30 нафар стол тенниси

ихлосманди қатнашган беллашувлар ҳам қизгин кечди. Унда Сирдарё – Зарафшон ирига тизимлари ҳавзаси бошқармаси мутахассиси Захриддин Раҳимов ҳамда Жиззах шаҳридаги 19-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мафтуна Файзуллаева ўзларининг тенгсиз эканликларини намоён қилдилар. Якунда ғолиблар Ўзбекис-

тон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ушбу мусобақа доирасида 4 та олий ўқув юрти қошида ташкил қилинган «Қалқон» жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича чемпионат ҳам ўтказилди. Яшил майдон узра кечган баҳсларда муваф-

Ёшлар овози



фақият қозонганлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Маъруф АБДУРАҲМОНОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

## ЖУМАЕВА ИШГА ТИКЛАНДИ

Бойсун тумани «Юқори Мачай» маҳалласида яшовчи Жамила Жумаеванинг Халқ қабулхонаси орқали йўллаган мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилди.

Уаризасида иш берувчи томонидан 2025 йил 7 ноябрь ва 15 декабрь кунлари икки марта ишдан бўшатирилгани билдириб, вазифасига тиклашда амалий ёрдам сўраган.

Маълум бўлишича, у 2025 йил 6 октябрдан «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига вақтинча меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинган. Аммо иш берувчи 2025 йил 7 ноябрда меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 160-моддасига асосан бекор қилган. Лекин ходимнинг ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида аризаси мавжуд бўлмаган. Ажабланарлиси, 2025 йил 15 декабрда иш берувчи меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 168-моддасига мувофиқ, яна бир

бор бекор қилган. Бунини қарангки, мазкур асосни қўллашда ҳам қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган. Жумладан, Ж.Жумаева олий маълумотга эга бўлмагани сабабли лавозим талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланган бўлса-да, иш берувчи уни бошқа ишга ўтказиш чораларини кўрмаган. Бу эса Меҳнат кодексининг 144-моддаси талабларига зид ҳисобланади.

Шу асосда унинг манфаатини қўллаб-қуқаролик ишлари бўйича Термиз туманла-

Касаба уюшмаси аралашгач...

раро судига даъво-ариза киритдик. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, иш берувчининг ҳар икки буйруғи гайриқонуний, деб топилди ва бекор қилинди. Натияжада Ж.Жумаева ишига тикланди. Шунингдек, иш берувчи зиммасига ходим фойдасига 7 миллион 862 миң 202 сўм иш ҳақи ҳамда 3 миллион сўм маънавий зарар тўлаш мажбурияти юклатилди.

Зариф ХОЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

**Меҳнат муҳофазаси****ИНСОН ҚАДРИ  
ВА ТАРАҚҚИЁТ  
МЕЗОНИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасига оид айрим нишомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори меҳнат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, иш жойларида хавфсизлик талабларига риоя этишни кучайтириш, шунингдек, иш берувчи ва ходимнинг масъулиятини янада аниқ белгилаб беришга қаратилган.

Бир қарашда, бу ҳужжат фақат меъёрий-ҳуқуқий асосдек кўриниши мумкин, ammo моҳияти анча чуқур. У меҳнатта муносабат маданиятини шакллантириш, иш жойларида хавфсизликни кундалик ҳаёт меъёрига айлантириш, энг муҳими, инсон ҳаётини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш гоёсини мустаҳкамлайди.

Бу жараёнда касаб ва уюшмалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, улар нафақат ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот, балки меҳнат хавфсизлиги маданиятини жамийятда қарор тоштирувчи муҳим ижтимоий институтдир. Шунга кўра, корхона ва ташкилотларда хавфсиз меҳнат муҳитини яратиш, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва меҳнатни муҳофазаси қилишда жамоатчилик назоратини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Айниқса, жойларда ошиб борилаётган тартибот ишлари, ўқув-семинарлар, амалий машғулотлар ва тушунтириш тадбирлари ходимларда хавфсизликка нисбатан масъулиятни муносабатни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Чунки хавфсиз меҳнат муҳити, аввало, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти ва саломатлиги учун масъулиятни англашдан бошланади.

Бошлангич касаб ва уюшмаси ташкилотлари томонидан иш жойларида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва уни мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу назорат фақат тешириш ёки камчилик излаш билан чекланиб қолмайди. У иш берувчи ва ходим ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва масъулият таъминлиги асосланади. Бинобарин, мавжуд муаммолар ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан иш

берувчиларга аниқ таклиф ва амалий тавсиялар киритилмоқда. Айниқса, юқори хавф гуруҳига кирувчи иш ўринларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, иш жойларини хавфсизлик талаблари асосида модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилатгани ўз самарасини бермоқда.

Табиийки, меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича жамоат вакилларининг билим ва кўникмаларини ошириш ҳам муҳим вазибалардан бири ҳисобланади. Айни мақсадда ташкил этилаётган махсус ўқув курслар ва семинарлар жамоатчилик назорати самарадорлигини янада кучайтиради.

Электр ва техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш интентизмига қатъий риоя этиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир профилактик ишлар ҳам тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бу ҳар бир иш жойида инсон ҳаётини асраш – энг олий қадрият эканини яна бир бор намоён этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат хавфсизлиги боғлиқ ҳар бир чора инсон ҳаётини асрашга қаратилган эзгу ҳаракатдир. Юқорида тилга олинган қарор ижросини таъминлашда касаб ва уюшмалари томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам корхоналарда хавфсиз меҳнат муҳитини шакллантириш, ходимлар ҳаёти ва саломатлигини муҳофазаси қилиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Саидмурод ТҶУХТАЕВ,**  
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгаши раис ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи

**Спорт****«АЙТИ»ЧИЛАР  
БУ САФАР КОД ЭМАС,  
ОЧКО ТЎПЛАДИ**

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан соҳа вакиллари ўртасида стол тенниси бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда 20 га яқин корхона ва ташкилотдан қарийб 1000 нафар ходим қатнашди. Саралаш босқичларидан сўнг энг кучли 40 нафар спортчи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган финал босқичида беллашди.

Бутунжаҳон саломатлик куну муносабати билан уюштирилган ушбу турнир асосий вақтинги компьютер қаршида ўтказилган мутахассислар учун нафақат спорт, балки хордик чиқариш, ўзаро мулоқот ва тажриба алмашиш майдонига айланди.

– Мусобақа барчамиз учун аниқ муддао бўлди, – деди «Алоқабанк» АТБ Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш маркази менежери Севинч Нуриддинова. – Кундалик бир хил иш тартиби, компьютер ва мобил қурилмалар қаршида узок вақт ўтириш бизни бироз толиқтирганди. Турнир эса ҳам кайфиятимизни кўтарди, ҳам бир-биримиз билан дилдан суҳбатлашишга имкон яратди. Энди янги куч ва ғайрат билан қайтадан ишга шўнғимиз.

Стол тенниси жисмоний ва руҳий саломатлик учун фойдали спорт турларидан бири ҳисобланади. У кўз ва қўл координациясини яхшилабди, юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди ҳамда ортиқча калорияларни йўқотишга ёрдам беради. Бундан ташқари, тезкор фикрларини ривожлантириб, стрессни камайтиради ва диққатини жамлаш қобилиятини оширади. Бундай тадбирлар ёш мутахассисларнинг иш самарадорлигини ошириш, уларни спортга кенг жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Мусобақа якунларига кўра, эркаклар ўртасида «АТ Билмларни ривожлантириш маркази» МЧЖ мутахассиси Рустам Бобомуродов ғолиб бўлди. Аёллар ўртасида эса ЎзМТРК «Ёшлар» ИБ АЖ бухгалтери Холида Раҳимова биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ва иштирокчилар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Диёра РАВШАНОВА**  
«ISHONCH»

**Агар тузлук ўлса кишининг иши,  
Не васф айлал олғай ишини киши.**

Алишер Навоий

**Конференция****ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҲУЖЖАТИ**

«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятида 2025 йилда жамоа шартномаси ижроси сарҳисоб қилиниб, 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномасини қабул қилишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда корхона раҳбарияти, касаб ва уюшмаси фаоллари ҳамда барча бўлимлардан сайланган вакиллар иштирок этди. Тадбирда ўтган даврда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгуси йиллар учун устувор вазибалар белгилаб олинди.

Хисобот даврида 525,5 минг тонна пўлат эритилиб, 670,8 минг тонна прокат маҳсулотлари тайёрланди, шунингдек, 257,7 минг тонна пўлат золдирлар ишлаб чиқарилди.

Йилнинг энг муҳим воқеаларидан бири сифатида декабрь ойида Куюв-прокатлаш мажмуаси ишга туширилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу мажмуа йилга 1 миллион 40 минг тонна иссиқ ҳолда прокатланган пўлат лист ўрамларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, корхона

нинг ишлаб чиқариш салоҳиятини икки баробарга ошириш имконини берди.

Мажмуа Италиянинг етакчи «Danieli» компанияси томонидан етказиб берилган замонавий технология ҳамда юқори аниқликдаги ускуналар билан жиҳозланган. Қурилиш ишлари ва ёрдамчи иншоотлар Туркиянинг «Ronesans Avgasyasi» компанияси томонидан амалга оширилиб, объект замонавий талаблар асосида барпо этилди. Шу билан бирга, хорижий мутахассислар иштирокида маҳаллий кадрлар тайёрланиб, малакаси оширилди.

Мажмуа замонавий металлургия технологияларининг тўлиқ занжири асосида ишламоқда. Жараёнда электр пўлат эритиш печи, автоматлаштирилган пўлат қуйиш комплекси, вакууматор, газни тозалаш тизими, металл қуйиш машинаси, туннель печи ва сувни тайёрлаш тизими каби илғор ечимлар қўлланилмоқда. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати барқарорлигини таъминлаб, умумий самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Комбинатда ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор берилади. Ўтган йили ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида касаб ва уюшмаси кўмитаси томонидан кенг қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор берилади. Ўтган йили ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини имтиёзли йўланмалар асосида сихатгоҳ ва дам олиш масканларида бўлиб қайтидилар. Касаб ва уюшмаси томонидан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга мунтазам кўмак берилди. Ногиронлиги бор фарзанд тарбиялаётган ходимларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди.

Металлургиянинг маданий ва жисмоний хордик чиқаришлари учун оммавий спорт мусобақалари ташкил этилди, театр ва концерт томошаларига жамоавий ташрифлар уюштирилди, ички туризмни ривожлантириш мақсадида қадимий шаҳарларимизга саёҳатлар ташкил этилди, сихатгоҳларга имтиёзли ва бепул йўланмалар ажратилди.

Конференция давомида делегатлар ва касаб ва уюшмаси фаоллари сўзга чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Муҳокамалардан сўнг янги жамоа шартномаси бир овоздан маъқулланди. Келгусида бу ҳужжат ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлаб, жамоада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва завонидиқ иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилади.

**Шонкрот ИСРОИЛОВ,**  
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

**Эътироф**

Саксон ёшдаман. Иккинчи даражали меҳнат фахрийларимиз. Шу ёшгача қатор соғломлаштириш масканларида дам олдим. Бу сафар соғлигимни тиклаш учун яхши бир муассаса қидирганимда, кўпчилик «Жиззах» санаторийсига боришимни тавсия қилишди.

**НУРОНИЙЛАР  
УЧУН НАМУНАЛИ  
МАСКАН**

Уерда ўн икки кун бўлдим. Минг марта эшитганидан бир марта кўрган афзал деганларидек, ўз кўзим билан кўргач, эшитганларим ҳақиқат эканига амин бўлдим. Замон талабларига жавоб берадиган намунали масканда қўли енгил шифокорларнинг ширин сўзи, соғлигимни тинмай назорат қилиши, ҳар кун қон босимимни икки бор ўлчаш, ошпазларнинг мазаги таомлари – барча-барчаси аъло даражада эди. Бош врач Ҳосибаев Эргашев, шифокорлар Шаҳноза Низомова, Мавжуда Очилова, ҳамширалар Феруза Зияева, Сарвина Соатова, кичи тиббий ходимлар ва ошхона хизматчилари

дан миннатдорман. Улар учун ҳаммиса дуодаман. Санаторийда маданий тадбирлар ҳам кўн-гилдагидек йўлга қўйилган экан. Ҳар кун турли кечалар ташкил этилиб, бизни зериктиришмади. Самарқандга саёҳатга бордик. Шароф Рашидовнинг Жиззахдаги уй-музейида бўлдик. Ундаги экспонатлар барчамизда бир олам таассурот қолдирди. Ҳамид Олимжон, Зулфия хайкаллари пойига гулчамбарлар қўйдик. Сирасини айтганда, «Жиззах» санаторийси биз, нурунийлар учун намунали дам олиш маскани экан.

**Серик АСИЛБЕКОВ,**  
Нурота тумани

**Тадбир****АСОСЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА**

Жиззахда меҳнат муҳофазасига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши назоратини ўрнатиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар уюштирилди. Унда шаҳар ва туманлар тармоқ касаб ва уюшмалари раислари ҳамда ташкилот ва корхоналарнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш муҳандислари қатнашдилар.



Тадбир давомида Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофазаси бўлими мудири Нодира Ғойибназарова, Федерациянинг Жиззах вилояти кенгаши раиси Нусуратулло Пардаев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Корхоналарда иш жойларида меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими омили бўлиши таъкидланди.

Шунингдек, жамоаларда меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар таркибини

ларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлашга қаратилди. Жумладан, ушбу ҳуқуқий ҳужжат нафақат меҳнатни муҳофазаси қилиш муҳандислари, балки иш берувчи, кадрлар ҳамда бухгалтерия бўлимлари мутасаддилари масъулиятини оширишда ҳам муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Бу масалага мутлақо нотўғри ёндашув, – деди у. – Меҳнат муҳофазасига тикилган пуллар бахтсиз ҳодисалар ва иқтисодий йўқотишлар олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришда ўз берадиган бахтсиз ҳодисалар фақат жабрланувчи учун эмас, балки

шақллантириш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш, ишчи-ходимларни махсус кийим, ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳамда уларнинг саломатлиги ва ҳаётига хавф туғдирувчи омилларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилди. Корхоналарда иш жойларида юз берган бахтсиз ҳодисалар шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилинди.

Илғор ўқув услублари қўлланилиши

нинг таъсирчанлигини оширди, десак, хато бўлмайди. Яқунда барча иштирокчилар меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида ўрнатилган «Пахтакортекс» МЧЖда яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

**Икром ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Бухорода ўтказилган «Хавфсиз меҳнат асослари» мавзусидаги ўқув-семинар ишхоналарда хавфсизлик масаласи қай даражада долзарб эканини яна бир бор кўрсатди. Йиғилишга вилоят касаб ва уюшмалари вакиллари, тегишли давлат ташкилотлари мутахассислари, йирик корхона масъуллари ҳамда 140 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар жалб этилди.

Муҳокамалар чоғи айтиб ўтилган рақамлар кишини ўйлантирмай қўймайди. Хусусан, 2025 йили вилоятда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 92 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган ва шундан 23 таси ўлим билан якунланган. Бу рақамлар ортида

инсон тақдири, оилавий фожиялар ва етарлича эътибор берилмаган хавфсизлик масалалари турибди.

Анжуман давомида иштирокчилар савол-жавоблар, фикр алмушувлар орқали иш жойларидаги муаммолардан бохабар бўлишди. Айрим ҳолларда хавфсизлик қоидалари қозғола борлиги, амалда эса етарлича ишламаслиги тан олинди. Бу масалага Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ҳамид Бешимов алоҳида тўхталиб ўтди:

– Бизда меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича қонунчилик базаси етарли даражада шаклланган. Лекин асосий муаммо амалда қандай ишляётганида. Агар раҳ-

бар ўз жамоасида хавфсизликни таъминлашни устувор вазифа сифатида кўрмаса, ҳеч қандай қарор қутилган натижа бермайди.

Иштирокчилардан бири Азиз Амонов эса масалага иқтисодий нуқтанан назардан ёндашди. Унинг фикрича, кўп ҳолларда корхоналар хавфсизликка йўналтирилган сарф-харажатни ортиқча, деб билишмади.

– Бу масалага мутлақо нотўғри ёндашув, – деди у. – Меҳнат муҳофазасига тикилган пуллар бахтсиз ҳодисалар ва иқтисодий йўқотишлар олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришда ўз берадиган бахтсиз ҳодисалар фақат жабрланувчи учун эмас, балки

бутун жамоа ва корхона фаолияти учун салбий таъсир кўрсатади.

Тадбирда касаб ва уюшмаларнинг меҳнат муҳофазасидаги ўрни ҳам алоҳида таъкидланди. Мутахассислар фикрича, агар ходимнинг ўзи хавфсизликка бефарқ бўлса ёки қондабузарликка йўл қўйса, энг мукамал тизим ҳам самара бермайди.

Анжуман давомида қабул қилинган қарорлар эса амалда қай даражада ижро этилиши билан янада аҳамиятлидир.

**Мунаввар ЖҶРАЕВА,**  
Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

**Семинар****РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ МАСЪУЛИЯТ**

Хар кимдан кенгаш олдим, хар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

Амир Темур

# Марказий Осиё: ТАРИХИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК

<< 1

## ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТИ

**Б**угунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас! Миллат Сардори халқимизни яна бир ҳақиқатни унутмасликка чорламоқда. Яъни: **бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган ва интилайётган Янги Ўзбекистон эмас.** Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда олис ва машаққатли йўл турибди. Лекин биз дадил олға боришдан, керак бўлса, кутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур.

Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Янги таҳрирдаги Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асосланган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўллари кенг очиб берди», деб таъкидлагани замирида ғоят улғувор ҳақиқатлар мужассам. Конституциямизда халқимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида таянадиган конституциявий қадриятлар ва тамойиллар қатъий белгилаб берилгани бу фикрнинг яққол исботидир.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз Муқаддасида халқимиз «халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустақамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб», Конституцияни қабул қилгани алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас. Зеро, 2023 йил 30 апрель куни мамлакатимиз асосий қонунининг янги таҳрирдаги ушбу матнига «ягона Ўзбекистон халқи» бевосита умумхалқ референдумида тўғридан-тўғри овоз берган.

Янги Ўзбекистоннинг овоз қомусида мамлакатимизнинг ички ва ташқи, жумладан, минтақавий сиёсати аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Унинг 17-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузишмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принциплари ва нормаларига асосланади». Ўз навбатида, 18-моддага мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади».

Шу мустақам конституциявий-ҳуқуқий асосга таяниб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликни изчил давом эттирмоқда. Бинобарин, «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳам мамлакатимиз дунёнинг барча мамлакатлари билан манфаатли ҳамкорлик қилишига ва БМТ ҳамда унинг институтлари билан амалий мулоқотга ҳамisha тайёр эканлиги таъкидланган.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТИНИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Янги Ўзбекистон – ўз халқаро мажбуриятларига содиқ давлат, ишончли ташқи иқтисодий шерик. Ўзгариб бораётган Ўзбекистон бизнес ва сармоядорлар учун иқтисодий очкилиги ва жозибadorлиги билан тавсифланади, устувор вектори Марказий Осиё бўлган давлатнинг самарали ташқи сиёсати унинг кўшнилари билан алоқаларни йўлга қўйишига, Афғонистон билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга, минтақа ва жаҳон давлатлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустақамлашига ёрдам беради.

Ўзбекистон раҳбарининг прагматик ташқи сиёсий ташаббуслари бутун дунёда эътироф этилмоқда. Жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатига сўнги йилларда Ўзбекистондаги каби кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмаган. Тошкентнинг яхши

кўшничлик сиёсати натижасида Марказий Осиё давлатлари илк бор долзарб минтақавий масалаларни очич ва самимий муҳокама қила бошлади.

Ўзбекистон жаҳон минбарларидан илгари сурган халқаро, минтақавий ва миллий ташаббуслар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, бир сўз билан айтганда, «**Инсон қадри учун**» деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришга қаратилгани учун халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу фикрларни Ўзбекистон Президенти илгари сурган минтақавий ташаббуслар асосида кейинги йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг бир қатор резолюцияла-

ри қабул қилинган. Яққол исботлаб турибди.

Уларнинг биринчиси – БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июндаги ялпи мажлисида қабул қилинган «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш» резолюцияси;

иккинчиси – давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ғоя асосида 2018 йил 12 декабрда Бош Ассамблеянинг ялпи сессиясида қабул қилинган «**Маърифат ва диний бағрикенглик**» резолюцияси;

учинчиси – 2018 йил 27 ноябрда Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳафсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармасига асос солинишига хизмат қилган резолюция;

тўртинчиси – Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва 2019 йил 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида қабул қилинган «**Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш**» махсус резолюцияси;

бешинчиси – 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти тақлифига биноан қабул қилинган «**Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги**» резолюция;

олтинчиси – 2022 йил 11 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясида «**Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустақамлаш**» номли резолюциядир.

Шу тариқа Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари тарихида янги саҳифа очди. Кейинги йилларда бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг халқаро эътирофи Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та резолюцияси қабул қилинишида намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари БМТ минбарларида Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ҳавфсизликни мустақамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ва бошқа соҳалардаги 40 дан ортқ халқаро ташаббусни илгари сурди. БМТнинг бутун тарихи давомида муайян бир шахс ташаббуси билан шунча резолюция қабул қилингани кузатилмаган.

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТИНИНГ МЕЗОНЛАРИ**

Президентимизнинг 2024 йили нашрдан чиққан «**Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон**» номли салмоқли сиёсий асарининг алоҳида бир фасли «Янги Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати» деб номланган. Унда минтақавий ҳавфсизликни таъминлашга хиз-

мат қиладиган бир қатор муҳим мезонлар қайд этилгани диққатга сазовордир.

**Биринчи мезон:** Марказий Осиё халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши кўшничлик, қуда-андачилик риштала-ри боғлаб туради. Халқларимиз ҳамisha бир-бирига елкадош ва ҳамжиҳат бўлиб яшаб келган. Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «**Бизни ягона тарих, яго-**

лик масалаларида ўз салоҳиятини янада кенгроқ намоён қилиши мумкин. Чунки Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «**Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам муштаракдир**».

**Олтинчи мезон:** ўтган йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу учрашувлар минтақада ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, яқин кўшничлик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳитни мустақамлаш, муҳим

борасида самарали платформага айланди.

**Еттинчи мезон:** минтақамизда ўзаро савдо ва инвестициялар ўсишига хизмат қилаётган қулай муҳит шакллантирилди. Сўнги йилларда минтақа мамлакатларининг умумий ички маҳсулоти 40 фоиз кўналади. Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо ҳамжамининг барқарор ўсиши кузатилмоқда.

**Саққизинчи мезон:** минтақамиз давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар фоллашиши натижасида халқларимиз янада яқинлашмоқда. Минтақа доирасидаги сиёсий мулоқотлар ва парламентлараро алмашувлар доимий тус олмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, «**Бунда минтақавий интеграцион жараёнлар қўшилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтиришга асосланиш, ҳар биримиз кўшнимизнинг ютуғини – ўзимизнинг ҳам ютуғини, унинг тинч ва фаровон ҳаётини – бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови, деб билишимиз лозим**».

**Учинчи мезон:** Евроосиё кенгликларининг нақ «ораги»да жойлашган, табиий ресурсларга жуда бой, инсоният цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳиятига эга Марказий Осиё минтақасида ҳозир турли давлатлар ва куч марказларининг манфаатлари кесилмоқда. Шундоқ ҳам айрим бекарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ ушбу минтақа яқин ва узок хорижда рўй бераётган можароларнинг ҳам салбий таъсирини ўзида ҳис этмоқда. Бундай мураккаб шароитда, давлатимиз раҳбари қатъият билан уқтирганидек, «**Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришдан бошқа йўли йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас**».

**Тўртинчи мезон:** бугун бизни умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага, ўзаро ишонч ва дўстлик, яхши кўшничлик ва манфаатли ҳамкорлик маконига айлантиришдек ягона мақсад бирлаштирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Президентига қайд этганидек, «**амалий ҳамкорликка астойдил интилиш, Марказий Осиёнинг келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этиш – минтақамизнинг барқарор тараққиёти, фаровонлиги ва ҳавфсизлиги учун мустақам кафолат ва пойдевор вазифасини ўтайди**».

**Бешинчи мезон:** бугун Марказий Осиё мамлакатлари айнан яхши кўшничлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига таянган ҳолда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, ҳавфсизлик ва барқарор-

лик масалаларида ўз салоҳиятини янада кенгроқ намоён қилиши мумкин. Чунки Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «**Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам муштаракдир**».

**Олтинчи мезон:** ўтган йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ушбу учрашувлар минтақада ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, яқин кўшничлик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳитни мустақамлаш, муҳим

борасида самарали платформага айланди.

**Еттинчи мезон:** минтақамизда ўзаро савдо ва инвестициялар ўсишига хизмат қилаётган қулай муҳит шакллантирилди. Сўнги йилларда минтақа мамлакатларининг умумий ички маҳсулоти 40 фоиз кўналади. Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо ҳамжамининг барқарор ўсиши кузатилмоқда.

**Саққизинчи мезон:** минтақамиз давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар фоллашиши натижасида халқларимиз янада яқинлашмоқда. Минтақа доирасидаги сиёсий мулоқотлар ва парламентлараро алмашувлар доимий тус олмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, «**Бунда минтақавий интеграцион жараёнлар қўшилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтиришга асосланиш, ҳар биримиз кўшнимизнинг ютуғини – ўзимизнинг ҳам ютуғини, унинг тинч ва фаровон ҳаётини – бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови, деб билишимиз лозим**».

**Учинчи мезон:** Евроосиё кенгликларининг нақ «ораги»да жойлашган, табиий ресурсларга жуда бой, инсоният цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳиятига эга Марказий Осиё минтақасида ҳозир турли давлатлар ва куч марказларининг манфаатлари кесилмоқда. Шундоқ ҳам айрим бекарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ ушбу минтақа яқин ва узок хорижда рўй бераётган можароларнинг ҳам салбий таъсирини ўзида ҳис этмоқда. Бундай мураккаб шароитда, давлатимиз раҳбари қатъият билан уқтирганидек, «**Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришдан бошқа йўли йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас**».

**Тўртинчи мезон:** бугун бизни умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага, ўзаро ишонч ва дўстлик, яхши кўшничлик ва манфаатли ҳамкорлик маконига айлантиришдек ягона мақсад бирлаштирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Президентига қайд этганидек, «**амалий ҳамкорликка астойдил интилиш, Марказий Осиёнинг келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этиш – минтақамизнинг барқарор тараққиёти, фаровонлиги ва ҳавфсизлиги учун мустақам кафолат ва пойдевор вазифасини ўтайди**».

**Бешинчи мезон:** бугун Марказий Осиё мамлакатлари айнан яхши кўшничлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига таянган ҳолда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, ҳавфсизлик ва барқарор-

ларни ривожлантириш орқали мустақам кўшимча қиймат занжирларини яратиш бўйича ишларни жадаллаштириш чоралари кўрилади;

**учинчи йўналиш** – транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради;

**тўртинчи йўналиш** – Ўзбекистон тегишли вазирликлар ва миллий компанияларимизнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, энергия ресурсларини сақлаш ва етказиб бериш бўйича мавжуд инфратузилмаларни кенгайтириш ва замонавий инфратузилмаларни яратиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш тарафдори;

**бешинчи йўналиш** – БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагида минтақавий Шериклик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз;

**олтинчи йўналиш** – иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш, минтақадаги экологик муаммоларни бартараф этиш, айниқса, Орол денгизининг ҳалокатли оқибатларини юмшатиш каби ҳаётий масалалар бугун минтақа барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим омилдир;

**еттинчи йўналиш** – минтақамиз бўйлаб амалга оширилган туристик саёҳатлар халқларимизни янада яқинлаштиришда муҳим ўрин тутаяди;

**саққизинчи йўналиш** – аҳолисининг деярли ярми навқирон авлод вакиллари бўлган Марказий Осиё учун ёшлар уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи, айниқса, долзарб аҳамиятга эга;

**тўққизинчи йўналиш** – минтақавий ҳавфсизлик, аввало, шериклигимиз қай даражада самарали йўлга қўйилганига боғлиқ.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Президентининг «Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон» китобида Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва тараққиёти истиқболларига оид қатор амалий тақлифлар илгари сурилди. Жумладан:

– Марказий Осиёда умумий таҳдид ҳамда хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича жамоавий қарорлар ишлаб чиқиш учун биз доимий равишда ўзаро фикр алмашиб туришимиз лозим;

– айниқса, экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик каби анъанавий таҳдидларга қарши кураш борасидаги амалий ҳамкорликни бундан бунён ҳам кучайтириб боришимиз зарур;

– сўнги йилларда интернет жаҳон ахборот тармоғида тобора ортиб бораётган ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хавф-хатарларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз талаб этилади;

– Марказий Осиё давлатларининг ҳавфсизлик кенгашлари котиблари томонидан мувофиқлаштирилган маслаҳат йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш керак;

– Марказий Осиё мамлакатлари чегараларини химоя қилиш ва мустақамлаш бўйича Давлатлараро дастурни ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ;

– ҳавфсизликка нисбатан анъанавий ва янги хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги сценарийларни амалда қўллаш бўйича қўшма ҳарбий-ўқув машқларини давом эттириш ҳам муҳимдир;

– фақулудда вақитларни прогноз қилиш, уларнинг олдини олиш, барвақт оғохлантириш ва уларга биргаликда қарши туриш борасида минтақавий тизимни шакллантиришни ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мухтасар айтганда, кейинги даврда сайёраимиз миқёсидаги бекарорлик шу даражага етдики, ҳатто бир-бирини яқин-яқинларгача дўст ҳамкор ҳисоблаб келган давлатлар ўртасидаги ишонч ҳам путур етмоқда. Эртага дунёдаги бу нотинчлик қўламини қаергача кенгайтиришни, афсуски, ҳеч ким билмайди.

Ўзбекистон Президенти дунёдаги ва минтақамиздаги вазиятга ғоят синчковлик билан аниқ ва холис баҳо берадиган, замонавий таҳдидларни бартараф этиш учун икки томонлама ва кўп томонлама, минтақавий ва глобал даражалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини алоҳида эслати. Бинобарин, «**Бундай мураккаб шароитда ҳеч бир мамлакат яқка ҳолда барча замонавий хавф-хатарларни четлаб ўтиб, уларнинг сабаб-оқибатларини бартараф этишга қодир эмаслиги аниқ ҳақиқатдир**».



**на дин, маданият аналар бир-ди».**

**Иккинчи мезон:** бутун минтақамиз аҳли Марказий Осиё аталмиш умумий уйимизни ҳар хил бало-қазолардан асраш, фарзандларимизни турли низо ва қарама-қаршиликлардан химоя қилиш, минтақамизда тинчлик ва фаровонлик бардавом бўлиши учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этиши зарур. Президентимиз таъкидлаганидек, «**Бунда минтақавий интеграцион жараёнлар қўшилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтиришга асосланиш, ҳар биримиз кўшнимизнинг ютуғини – ўзимизнинг ҳам ютуғини, унинг тинч ва фаровон ҳаётини – бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови, деб билишимиз лозим**».

**Учинчи мезон:** Евроосиё кенгликларининг нақ «ораги»да жойлашган, табиий ресурсларга жуда бой, инсоният цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳиятига эга Марказий Осиё минтақасида ҳозир турли давлатлар ва куч марказларининг манфаатлари кесилмоқда. Шундоқ ҳам айрим бекарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ ушбу минтақа яқин ва узок хорижда рўй бераётган можароларнинг ҳам салбий таъсирини ўзида ҳис этмоқда. Бундай мураккаб шароитда, давлатимиз раҳбари қатъият билан уқтирганидек, «**Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришдан бошқа йўли йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас**».

**Тўртинчи мезон:** бугун бизни умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага, ўзаро ишонч ва дўстлик, яхши кўшничлик ва манфаатли ҳамкорлик маконига айлантиришдек ягона мақсад бирлаштирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Президентига қайд этганидек, «**амалий ҳамкорликка астойдил интилиш, Марказий Осиёнинг келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этиш – минтақамизнинг барқарор тараққиёти, фаровонлиги ва ҳавфсизлиги учун мустақам кафолат ва пойдевор вазифасини ўтайди**».

**Бешинчи мезон:** бугун Марказий Осиё мамлакатлари айнан яхши кўшничлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига таянган ҳолда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, ҳавфсизлик ва барқарор-

## МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз раҳбари минтақамиз барқарор ривожланишини таъминлаш учун қуйидаги истиқболли йўналишларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

**Биринчи йўналиш** – Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича бошланган ишларимизни изчил давом эттираримиз;

**Иккинчи йўналиш** – sanoat кооперацияси, инновациялар ва рақамли технология-

